## Инсон ва табиат

***Мамлакатимизда асрлар оша шаклланиб келган қадриятларимиздан бири — сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини юксалтиришга, унинг ифлосланиши ва исроф бўлишининг олдини олишга, ирригация ва мелиорация тадбирларининг самарадорлигини янада яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Зотан, халқимиз сувнинг ҳар томчисини зарга қиёслайди.***

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ғофир АЛИЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати ана шулар ҳақида бўлди.***



*Ғофир АЛИЕВ:*

# ҲАР ТОМЧИСИ ЗАР БЎЛГАН СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

— Қишлоқ хўжалиги — иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан. Марказий Осиёдаги бошқа давлатлардан фарқли равишда юртимизда суғориладиган деҳқончилик кенг йўлга қўйилган. Сув захирасининг қарийб тўқсон фоизи ушбу соҳага сарфланади. Сирдарё, Амударё ва Зарафшон дарёларининг қўшни давлатлар билан трансчегаравий аҳамиятидан келиб чиқиб, сувдан фойдаланишни тўғри ташкил этиш ишлари минтақамиздаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда олиб борилаётир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон — ирригация-мелиорация соҳасида минтақада катта илмий-амалий салоҳиятга эга мамлакат. Марказий Осиё ирригация илмий-тадқиқот, Фанлар академиясининг Сув муаммолари ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институтлари каби етакчи илмий муассасалар олимлари халқимизнинг бу борадаги азалий анъаналарини замонавий услублар билан уйғунлаштирган ҳолда ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, илм-фан ютуқларидан амалда кенг фойдаланилаётгани деҳқончиликни ривожлантиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув таъминоти тизимини янада яхшилашга хизмат қилаётир. Бу соҳага сарфланаётган маблағлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги суғориладиган деҳқончиликда қўлга киритилаётган ютуқлар замирида ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар муҳим омил бўлаётгани фикримизнинг далилидир.

**— Бу борада сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳам катта аҳамиятга эга, албатта.**

— Айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда йилига ҳар гектар ерга ўртача 10 минг куб метргача сув сарфланади. Бу баъзи ривожланган давлатлардагига қараганда анча кўп. Бундай ҳолат давом этаверса, келгусида бу муаммо нафақат сув танқислиги, балки тупроқ таркибининг ёмонлашувига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Президентимиз ўтган йилнинг кузида Қорақалпоғистон Республикасида бўлганида бу масалага яна бир бор эътиборни қаратди. Юртбошимиз томчилатиб суғориладиган усулда пахта етиштирилаётган далаларни кўздан кечирар экан, бундай технология афзалликларидан аграр тармоқда кенгроқ фойдаланиш, айни вақтда экологик вазият нисбатан мураккаб Оролбўйида оби ҳаёт захираларини тежаб-тергаш анъаналарини янада ривожлантириш катта ютуқлар омили бўлишини таъкидлади.

Томчилатиб суғориш технологиясининг афзаллиги шундаки, бунда сув ва минерал ўғит тўғридан-тўғри ўсимликнинг илдизига етиб боради. Бу усул қўлланилганда сув сезиларли даражада тежалиб, ҳосилдорлик ошади, хомашё сифати яхшиланади. Шунингдек, тупроқ унумдорлиги сақланади, бегона ўтлар кўпайишининг олди олинади. Ҳозир юртимизда бу усулни қўллашда ишлатиладиган барча воситалар маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилаётир.

**— Оммавий ахборот воситаларида сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга даъват этувчи реклама маҳсулотлари кўпайиб, тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Аммо бундай даъватларга жавобан дарёларимиз тўлиб-тошиб оқаётган бўлса, ортиқча ташвишга не ҳожат, дегувчилар ҳам йўқ эмас.**

— Тўғри, Осиё ва Африка минтақасидаги айрим давлатлардаги каби бизда сув танқислиги муаммоси деярли йўқ. Аммо, бу сувдан исталганча фойдаланавериш мумкин, дегани эмас. Чунки табиатда баъзи йиллар серёғин келса, баъзан бунинг акси ҳам кузатилади. Қолаверса, деҳқончилигимизнинг қон томири ҳисобланган дарёларимиз қўшни давлатлар ҳудудидан бошланади. Бу эса бизни ҳар қандай табиий вазиятга тайёр туришга, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни чуқур ўзлаштиришга ундайди. Шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтиришимиз, ёш авлодни бетакрор табиатимизга юксак эҳтиром руҳида камолга етказишимиз, ота-боболаримизнинг бу борадаги эзгу анъаналарини уларнинг онг-шуурига чуқур сингдириб боришимиз лозим.

Бунда барча имкониятлардан, жумладан, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради.

**— Ўтган асрда рўй берган улкан экологик инқироз — Орол денгизи сувининг камайиши нафақат минтақа давлатлари, балки олис-олис ҳудудлар табиий мувозанатига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Бу муаммони бартараф этиш борасидаги ишлар қандай самара беряпти?**

— Оролбўйидаги экологик нохуш вазиятни яхшилаш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. Ҳозир у ерда юзлаб гектар ўрмонзорлар барпо этилган. Улар денгизнинг қуриган тубидан қум ва туз кўчиши олдини олишга хизмат қиляпти. Минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос ўсимликларни танлаб олиш мақсадида кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Кичик сув ҳавзалари қуриляпти. Кўпгина давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидаги бундай ишлар минтақада табиий мувозанатни барқарорлаштириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида пахтачилик ва ғаллачиликда қўлга киритилаётган ютуқлар ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар бераётган самаралардандир.

Келгусида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

**— Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг яқинда ўтган йиғилиши Зарафшон дарёси бўйидаги экологик вазиятга бағишланди. Бу бежиз бўлмаса керак?**

— Албатта. Зарафшон дарёси ҳавзаси атрофида қарийб олти миллион юртдошимиз яшайди. Бу дарё Самарқанд вилоятини тўлиқ, Навоий, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро вилоятларининг муайян қисмини сув билан таъминлайди.

Зарафшон дарёсининг экологик ҳолатини яхшилаш, сув ифлосланиши олдини олиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш тўғрисида” ҳамда “Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида Зарафшон дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва қирғоқ бўйи минтақасини белгилаш тўғрисида”ги қарорларига асосан дарёнинг Самарқанд вилоятига туташ қирғоқларидан 1050 гектар ер ўрмон хўжаликлари тасарруфига, 342,6 гектар ер вилоят сув хўжалиги бошқармаси тасарруфига ўтказилди.

Дарё соҳилининг Навоий вилоятига туташ 1131 гектар майдони ҳам қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфига берилди. Оби ҳаёт мусаффолигига салбий таъсир кўрсатувчи кўплаб иншоотлар қирғоқ бўйидан кўчирилди. Экологик мувозанатга зарар етказадиган хўжалик фаолиятига чек қўйилди. Бу ишлар сув ифлосланиши олдини олиш, экотизим барқарорлигини таъминлашда яхши натижа беряпти.

Бироқ барча табиат неъматлари каби сувнинг ҳам чекланганлигини инобатга олиб, мазкур дарё ҳавзасидаги ҳудудларда боғдорчилик, узумчилик ва мева-сабзавотчилик тармоғида томчилаб суғориш технологиясини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳосилдорликни ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга воҳада мавжуд чучук сув захираларини асраб-авайлашга ҳам хизмат қилади.

Қўмитамизнинг сенаторлар, олимлар, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мутахассислари иштирокида ўтган анжуманида бу борада эришилаётган ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳа, сув — ҳаёт манбаи. Ундан оқилона фойдаланиш, фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**ЎзА мухбири**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**суҳбатлашди.**

*Навоий шаҳридаги марказий деҳқон бозорида «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат банкининг вилоят филиали ўз фаолиятини бошлагани маҳаллий тадбиркор ва деҳқонлар учун қулайлик яратди.*

## Тадбиркорларга қулайлик

Энг аввало, улар вақтларини беҳуда ўтказиб, банклар эшигида навбат кутиб турмасдан, савдодан тушган кунлик маблағни минибанкка топшириш имконига эга бўлишди. Бундан ташқари, шу ернинг ўзидан туриб, керакли маҳсулотларни сотиб олиш учун тегишли ташкилот ва муассасаларга пул ўтказиш ҳамда солиқ ва коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш шароити ҳам яратилган.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

## «Ривож» ривожланмоқда

Шаҳрихондаги Комилжон Отахонов етакчилик қилаётган «Ривож-ТЯН Жинь» ўзбек-хитой қўшма корхонаси жамоаси биноларнинг томини ёпишда ишлатиладиган черепицалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Йилига 400 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш материаллари тайёрлаш қувватига эга бўлган янги цехнинг ишга туширилиши ўнлаб ёшларнинг муқим иш жойига эга бўлиш имконини берди. Муҳими кўркам, замонавий турар-жой биносини тиклаётганлар энди рангин, пишиқ том ёпқичларни излаб бошқа шаҳарларга бормайдиган бўлдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Қўқон шаҳридаги “Шоҳи атлас” масъулияти чекланган жамиятида илгари хомашё сифатида калава ип ишлатилиб, маҳсулот тайёрланарди. Хомашё корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, яъни пахта толасидан калава ип тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилгач, юзлаб миллион сўм иқтисод қилинди. Бу маблағлар замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш ва ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилди. Шу боис, кўрсаткичлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.*

*Айни пайтда жамиятда турли хил миллий матолар, бахмал, атлас, сочиқ ва ҳаммаси бўлиб тўққиз турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Жамоада ҳозир 175 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли ишлаши ва яхши ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган.*

**СУРАТДА: тўқувчи Мамлакатхон Қодирова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## АСОССИЗ ТЕКШИРИШЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Фарғонада Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартиш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳудудий назорат органлари зиммасидаги вазифаларга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Фарғона вилояти ҳокими Ш.Нурматов бошқарган мазкур анжуманда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бу каби ишларда назорат органларининг масъулияти янада ошди. Вилоят назорат органлари томонидан 2005 йил давомида жами 2363 та хўжалик юритувчи субъектда текширишлар ўтказилди. Шундан 1480 таси режалаштирилган текширишлардир. Бу 2004 йилга нисбатан 1104 тага камайган. Режадан ташқари қисқа муддатли текширишлар эса 883 тани ташкил этади. Ушбу текширувлар даврида турли қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, молиявий ва маъмурий жарималар қўлланилган.

Йиғилишда сўзга чиққан Республика Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда назорат органлари комиссиялари олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди. Жойларда бу каби ўқув семинарларининг ўтказилиши бир қатор фармон ва қарорлар ижросини таъминлашда, унинг моҳиятини кенг оммага етказишда катта кўмак бермоқда. Анжуманда сўзга чиққанлар ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Журналист суриштируви*

***“Малик Жума” фермер хўжалиги Мохонкўл массивида жойлашган. Экин майдони — 48 гектар. Ер шароити анча оғир. Туби сув сингмайдиган тош қатламларидан иборат. Қолаверса, бу зироатгоҳлар йиллар оша асосан Куйикмозор зовури суви билан суғориб келингани ҳам ўз асоратини қолдирган. Тупроқнинг унумдор устки қисми кучли шўрлаган. Устига устак, сал наридан Бухоро марказий канали ўтган. У тўлиб-тошиб оққан кезлар теграсидаги пайкаллар зах тортади. Бу, айниқса, экин-тикин палласида деҳқонлар ташвишига ташвиш, заҳматига заҳмат қўшади. Захни камайтириш мақсадида майдонлар суғорилса, уни қуритиш, суғорилмаса, шўрни ювиш муаммоси туғилади. Иккала ҳолатда ҳам мавсум ишлари мураккаблашиб кетади.***

# ЖУЗЪИЙ НОСОЗЛИК

*у катта талафотлар ва ортиқча ғавғолар келиб чиқишига доялик қилди*

Бултур ҳам шундай бўлди. Аммо фермер хўжалиги аъзоларини бу гал табиий қийинчиликлардан ам кўра, расмиятчи тўраларнинг ўз бурчига лоқайдлиги-ю, бировлар меҳнатига заррача ачинмаслиги кўпроқ чарчатди. Пировардида уларни боши берк кўчага киритиб қўйиб, росмана иқтисодий инқирозга учратди...

Дарвоқе, ўша куни 18 апрель эди. “Малик Жума” раҳбари Адиз Жумаев эрталаб 10 гектар ердаги кузги буғдойга ва чигит экиладиган 38 гектар майдонга сув тараш ниятида ўзига қарашли электр сув насосини ўт олдирди. Бироқ шу пайтгача бинойидеккина ишлаб келган насос уч соат ўтар-ўтмас, тақа-тақ тўхтади. Қарашса, генератори куйиб кетибди. Давлатга 25 тонна буғдой, 43 тонна пахта топширишга аҳд қилган фермер фурсатни бой бергиси келмади. 1 миллион 80 минг сўмга бирин-сирин иккита генератор сотиб олиб, насосга ўрнатди. Барибир фойдаси бўлмади, янги генераторлар ҳам хаял ўтмай ишдан чиқаверди. Ҳатто биттасини 150 минг сўмга таъмирлатгани ҳам зое кетди.

Начора, вақт кутиб турмайди! Фермер зах ернинг ярмига ивитилган чигит қадашга мажбур бўлди. Айни чоғда, деярли тўрт ҳафтадан буён сув ичмаган буғдойи қовжирай бошлаганини кўриб, тинчи йўқолди. 10 май куни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Жаводовга дардини айтиб, ерларини оқар сув билан таъминлашда кўмак сўрамоқчи бўлди. У хонасида йўқлигини билгач, аризасини котибага қолдирди-ю, “Бухоро электр тармоқлари” очиқ акциядорлик жамиятининг Жондор тумани бўлимига йўл олди. Негаки, йил бошида тузилган ўзаро шартномага кўра, ушбу жамият “Малик Жума”ни электр токи билан таъминлаши, фермер хўжалиги унинг ҳақини вақтида тўлаб бориши лозим эди.

Адиз Жумаев шохобча бошлиғи Ж.Ҳайдаровга рўй берган воқеани ва юзага келган вазиятни обдон тушунтирди. Охирида “Насосимиз уланган 253-КТПда қандайдир нуқсон борга ўхшайди. Илтимос, мутахассис юбориб, бизга ёрдамлашинг”, деди. Узоқ ялиниб-ёлворишлари эвазига “Хўп!” жавобини олгач, кўнгли хотиржам тортиб изига қайтди. Етти кун даладан жилмай, электрчилар йўлига кўз тикди. Таассуфки, улардан дарак бўлмади. Икки оёғи бир этикка тиқилган фермер “Чиқмаган жондан — умид” нақлига амал қилди. Бузуқ генераторлардан иккинчисининг ҳам сим чулғамини 260 минг сўмга қайта ўратиб, насосга улаттирди. Ажаб, яна эски ҳолат такрорланди. Икки ярим соатдан сўнг аввалгидек генераторнинг уни ўчди.

Адиз Жумаев дўппини четга қўйиб, бундоқ чўтлаб кўрса, аҳвол чатоқ: арзимаган носозлик туфайли бир ой ичида салкам 1,5 миллион сўмлик харажатга тушибди. Яна денг, яқин-яқингача барқ уриб ўсиб ётган буғдойи бошоқлаши арафасида сувсизликдан қовжираб бораяпти. Бу ёқда эса ўлда-жўлда ишлар кўп — қолган ерлар шўри ювилмаган, чигит экиш кечикаяпти.

У узоқ ўйлади. Ўйлагани сайин мол аччиғи жон аччиғига айланди. Ахийри, сабри тугади. 18 май куни “Бухоро электр тармоқлари” директори Р.Маматов ва Жондор тумани шохобчаси бошлиғи Ж.Ҳайдаров номига билдиришнома ёзиб, уларни бор гапдан такроран воқиф этди. Жамоаси ҳозиргача кўрган ва келгусида кўриши эҳтимоли бор зарарлар икки томонлама шартноманинг тегишли бандлари бузилишидан келиб чиққанини эслатиб, трансформаторни таъмирлаб беришларини ўтинди. Ҳайтовур, бу сафар илтимоси ерда қолмади. Гарчи бир ҳафтадан кейин бўлса-да, электрмонтёрлар Ҳайит Аҳмедов ва Рўзиқул Меҳмонов далага келиб, аҳволни ўрганишди. Шу асно 253-КТПнинг ток тақсимловчи учта пичоғидан иккитаси батамом куйиб кетганини аниқлашди. Уч кундан кейин уларни янгисига алмаштиришди. Насос бурунгидек бир маромда ишлай кетди.

Шундай қилиб, фермерни қирқ кундан буён қийнаб, чор тарафга зир югуртирган муаммо бирпасда барҳам топди. Фақат битта ачинарли томони — унга қадар бўлар иш бўлиб, аллақачон бўёғи сингганди. “Малик Жума” ғалла режасини бажаролмаслиги аён бўлиб қолганди. Бундан афсусланган Адиз ака жилла қурса ноўрин харажати ва бемаврид нобуд бўлган буғдойи харажатини чиқариб олишга чоғланди. Муқаддам гувоҳлар иштирокида тузилган, лекин электрмонтёрлар имзо чекишдан бош тортган далолатномаларни, ток тақсимлагичнинг яроқсиз пичоқлари ва симларини кўтариб, туман электр тармоқлари корхонасига борди. Бироқ Ж.Ҳайдаров унинг гапларини инобатга олмади. Муроса-ю мадора билан иш битмаслигини англаган фермер охирги чорани қўллади. Ўзига етказилган моддий-маънавий зарарларни ундириб олиш ниятида вилоят хўжалик судига даъво-ариза битди.

**Х**ўш, кейин-чи?..

Судлар айни бир масалага турлича ёндашадилар. Масалан, судья М.Жўраев насосга фермер томонидан қисқа туташувдан сақлаш ускунаси ўрнатилмаганини, “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси Бухоро бўлимининг техник хулосаси олинмаганини, шунга қарамай, таъминотчи истеъмолчи билан электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш бўйича шартнома тузиб, моторни ишлатишга рухсат берганини таъкидлаб, 7 июлда даъво талабини қисман қаноатлантиради. Генераторларни сотиб олишга ва таъмирлашга сарфланган 1 миллион 495 минг сўмни “Бухоро электр тармоқлари” ОАЖ ҳисобидан “Малик Жума” фойдасига ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқаради. Хўжалик судига тааллуқли бўлмагани учун низонинг маънавий зарарга оид қисмини иш юритувидан тугатади. Даъвогарнинг 253-КТПдаги носозлик туфайли сувсиз қолган буғдой 15 тоннадан ортиқ ҳосилини йўқотгани ҳақидаги важини эса асоссиз деб топади. Апелляция суди бу қарорга тўлиқ қўшилмайди. Таъминотчи трансформаторнинг эскирган симларини алмаштирмагани учун электрэнергия сифатига путур етганини, фермер генераторни қисқа туташувдан сақлаш мосламасисиз ва “Ўздавэнергоназорат”нинг Бухоро бўлими хулосасини олмай ишлатганини, буғдой қуриб қолишидан етказилган зарарни, қисман бўлса-да, қоплаш чорасини кўрмаганини уқтириб, ҳал қилув қарорини ўзгартиради. Генераторларни харид қилиш ва тузатишга ишлатилган сармояни ҳамда ғалладан кўрилган зарарни 2 миллион 690 минг сўмга баҳолайди. Бунда иккала томоннинг ҳам айби борлигини назарда тутиб, ушбу маблағни уларга баравар миқдорда тақсимлайди. Алқисса, “Малик Жума” фойдасига “Бухоро электр тармоқлари”дан 1 миллион 345 минг сўм ундириш лозим деган тўхтамга келади.

Худди ўша кезлар “Обод Мохонкўл” агротеххизмат уюшмаси 253-КТПдаги ишкаллик сабаб ерлар вақтида суғорилмагани, чигит экиш 16 июнда бошлангани боис “Малик Жума” кўзда тутилганидан 20 тонна кам пахта етиштириши мумкинлиги хусусида хулоса беради. Ана шундай бир вазиятда туман электр тармоқлари шохобчаси масъуллари ўз хатоларини тан олиш, аросатда қолган фермерга қайишиб, уни имкон қадар қўллаб-қувватлаш ўрнига тескари йўл тутишади. Таъбир жоиз бўлса, қасдма-қасдига иш юритиб, ётиб қолгунча отиб қолишни афзал кўришади. Олдинига фермер хўжалигининг электр энергияси тўловидан 212 минг сўмлик муддати ўтган қарзи борлигини пеш қилишади. Баайни ҳосил тақдири ҳал бўлаётган, ғўзалар чанқаб турган август ойининг қоқ ўртасида эса насосни электр манбаидан узиб қўйишади.

Табиийки, Адиз Жумаев бу бедодликка чидай олмайди. Аслида “Малик Жума” таъминотчидан эмас, таъминотчи ундан қарздорлигини билдириб, туман прокурорига арзнома битади. Шунга кўра, Ж.Ҳайдаровнинг ёрдамчиси Мустафо Қурбонов прокуратурага келиб, шикоятчидан узр сўрайди ва тез орада токни улашга сўз беради. Сўз беради-ю, амалда лафзида турмайди. Аҳвол бояги-бояги, бой хўжанинг таёғи бўлиб қолаверади. 15 кунга чўзилган, шусиз ҳам кечки ғўзалар ҳосил нишоналарини тўкиб юборишига сабабчи бўлган “ўчир-ўчир” ўйини вилоят прокуратураси аралашувидан сўнггина бирнав барҳам топади. Аммо 12 сентябрга келганда ҳаммаси қайтадан бошланади. Туман прокурори Ж.Ҳайдаровни ҳузурига чорлаб, қатъий огоҳлантирмагунча, аниқроғи, сентябрь ойи охиригача фермер хўжалигига электр энергияси берилмайди.

Ана, оқибати: “Малик Жума” мавсум ниҳоясида мўлжалдаги 43 тонна ўрнига атиги 2170 килограмм ғози йўқ пахта йиғиштириб олади. Буям етмагандай, келаси йил ҳосили учун буғдой экиш режаси барбод бўлади. Ўн икки ойлик меҳнатлари елга совурилган фермер хўжалиги аъзолари кўзланган даромаддан мосуво бўладилар. Борабора уларнинг “Бухоро электр тармоқлари” ОАЖдан 1 миллион 345 минг сўм ундириш борасидаги умидлари ҳам пучга чиқади. Негаки, Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъати даъвогар генераторларни қайси шартномага асосан, қанчага олганини, уларни қайта таъмирлаб бўлмаслигини, электр манбаидаги носозлик сабабли буғдой қуриб қолишидан келиб чиққан зарарни камайтириш учун қандай чоралар кўрганини исботловчи ҳужжатлар тақдим этмаганини таъкидлайди. Қолаверса, у генераторларни электриклар иштирокисиз, қисқа туташувдан ҳимояламаган ва ерга улаш тартибларига риоя қилмаган ҳолда ишга туширганини кўрсатади. Шунга кўра, қуйи суд қарорининг жавобгардан 1 миллион 85 минг сўм ундириш тўғрисидаги қисмини бекор қилиб, фақатгина 260 минг сўмга тааллуқли қисмини ўзгаришсиз қолдиради. Бунга “Малик Жума” билан “Наврўз” масъулияти чекланган жамияти ўртасида битта генераторни шунча маблағ эвазига таъмирлаш бўйича май ойида тузилган шартномани ва июлда тўлдирилган юк хатини асос қилиб олади.

**А**лбатта, бу билан биз яккаш фермерни ҳимоя қилмоқчи эмасмиз. Чунки, ўзи тан оладими-йўқми, ундан ҳам ўтган. Аввало, суд қарорларида эслатилганидек, сув насосидан зарур эҳтиёт чораларини кўрмай фойдаланган. Иккинчидан, носозликни сезгани ҳамоно таъминотчини огоҳлантирмаган. Охирини ўйламай-нетмай, басма-басига янги генераторлар сотиб олиб, уларни ўз билгича токка улаган. Учинчидан, ўша ускуналар нархи ва сифат сертификатига доир ҳужжатларни ҳозирлаб қўймаган. Буни унинг иш битиш учун шошилганлигига, ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаслигига, электрчилар ишини тушунмаслигига йўйиш мумкин. Айни чоғда, электр тармоқлари корхонаси раҳбарларининг дард устига чипқон қабилидаги ҳурмача қилиқларини ҳам мутлақо оқлаб бўлмайди. Боиси — улар мутахассис бўла туриб, тегишли тартибда жиҳозланмаган насоснинг ишлатилишига йўл қўйишган. Боз устига, энг долзарб паллада фермерга кўмаклашмаганлар. Арзимас баҳонани рўкач қилиб, электр токини узиб қўйишган. Бу можароларга туман катталари ҳам бефарқ қарашган. Оқибатда, 16,5 тонна буғдой ва 41 тоннага яқин пахта хомашёси бой берилган. Бундан нафақат фермер хўжалиги, балки давлат ҳам зарар кўрган. Ахир, гоҳо билиб-билмай ёки тушуниб-тушунмай қай ўринда ногаҳон адашган кишига суянчиқ бўлиш, қийин дамларда уни қўллаб-қувватлаш ҳаммамизнинг бурчимиз-ку! Наҳотки, айрим мутасаддилар буни билишмаса? Наҳотки, даладаги майса-ниҳоллари сингари ўзининг ҳам жизғанаги чиқиб бораётган деҳқонга мадад қўлини чўзишмаса? Наҳотки, талай миқдордаги моддий бойлик сунъий мушкулот туфайли завол топишига томошабин бўлиб туришса? Давлат фермерларни узлуксиз қўллаб-қувватлаётган, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш устида тинмай қайғураётган бир пайтда жондорлик мутасаддиларнинг бу лоқайдликларини қандай баҳолаш мумкин?..

— Ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрган кунларимнинг бирида, — деб ёзади Адиз Жумаев таҳририятимизга йўллаган арзизасида, — мени туман прокуратурасига чақириб қолишди. Бориб, не кўз билан кўрайки, электр корхонасининг туман бўлими бошлиғи ва ходимлари қонуншунослар олдида афтодаҳол қиёфада бош эгиб туришибди. Сўраб-суриштириб билсам, улардан бири қайсидир фермерга тамагирлик қилиб, қўлга тушган экан. Шундагина мен ўзимга нисбатан қилинган ноҳақликлар замирида аслида нима ётганини тушуниб етдим.

Шикоятнома сўнгида айтилишича, Адиз Жумаев шу воқеадан сўнг вилоят прокурорига ариза ёзиб, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам сўраган. Қани, кўрайлик-чи, низо бу сафар қандай якун топаркин? Ҳам ҳосилидан, ҳам ҳамёнидан ажраган фермерга ким, қандай ёрдам кўрсатаркин?..

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Бевосита мулоқот

# ШИФОКОР МЕҲНАТИ — ДАВЛАТ АРДОҒИДА



*У ёки бу йўналишдаги ва даражадаги тиббиёт ходимларининг иш ҳақи қандай миқдорда ошади, кимлар ўз иш ҳақларига қўшимча равишда устама ҳақлари олишлари мумкин — вазир билан «Бевосита мулоқот»нинг бош йўналишини ана шундай масалалар белгилади. Бундай масалалар моҳият эътибори билан ҳозирги кунимизнинг, чиндан ҳам, долзарб мавзусидир. Вазирга биринчилардан бўлиб қўнғироқ қилган термизлик Мусурмонқул ХОЛМАТОВ давлатимизда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишни такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган сиёсатнинг ижтимоий аҳамиятига доир бир қатор масалаларни кўтарди. Келинг, унга қулоқ тутайлик.*

**— Феруз Ғофурович, назаримда, Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонига биноан қабул қилинган узоқ муддатли соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт ходимларининг мавқеини кўтариш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва устамалар белгилаш тизимини такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратди. Мен ўзим хусусий клиника раҳбариман ва шу боисдан комил ишонч билан айтишим мумкинки, кейинги йилларда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, иш ҳақларини ошириш борасида давлат томонидан мунтазам тадбирлар кўриб борилмоқда. Масалан, ўтган йили тиббиёт ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2004 йилга нисбатан 1,6 баробарга оширилди.**

— Сиз ҳақсиз. Лекин аниғи қандай муаммо сизни ўйлантираётганлигини тушунолмай турибман?

**— Аниғи шуки, энди биз, хусусий клиника соҳиблари ҳам ўзимизда мавжуд иш ҳақининг даражаларини қайта кўриб чиқишимизга тўғри келади, хусусий фирмаларимиздаги ходимларнинг иш ҳақини яхшилаш учун даромаднинг янги омиллари, қўшимча маблағларини излашга мажбурмиз. Акс ҳолда, биздаги энг. яхши мутахассислар тағин давлат тиббиёт тузилмаларига ўтиб кетиши ҳеч гап эмас.**

— Ҳа, мана, нима сизни ташвишлантиряпти? Ҳаммаси тушунарли. Бозор шароитидаги рақобат — табиий қонуният. Бироқ ҳозирги кунда масаланинг моҳияти шунчаки тижорат ва давлат тиббиёт тизимлари ўртасидаги рақобатдан кўра анча кенгроқ. Яъни тиббий хизмат масаласи давлат миқёсида ва замоннинг юксак талаблари даражасида қўйилмоқда. Ўзингизга маълумки, яқин даврларда иш ҳақлари тизимини белгилашда бажариладиган иш ҳажми, тиббий хизматга илғор ёндошишлар каби муҳим омиллар эътиборга олинмаган. Пировардида, иш ҳақини ошириш ва умуман моддий рағбатлантириш тадбирлари тиббий хизматнинг сифатини рағбатлантирмас эди. Шу сабабли, кўпгина малакали тиббий мутахассислар хусусий клиникаларга кетиб қола бошлади. Меҳнатни муносиб тақдирлаш ва малакага яраша иш ҳақи белгиланиши — давлатимиз раҳбарининг тиббиётга доир янги қарори ва унга асосан ҳукуматимиз қабул қилган қарор мана шунга қаратилган ва мазкур ҳужжат даволаш-профилактика муассасаларидаги тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлашда дастурий ҳужжат бўлиб қолади. Кўрилаётган чора-тадбирлар эса тиббиёт муассасаларидаги жиддий муаммо — кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериб, улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди.

*Назрулло НАЗАРОВ, Қашқадарё вилояти Китоб туманидан:*

**— Соғлиқни сақлаш тизимида аввалдан мавжуд иш ҳақи тизими билан жорий йил 1 январидан амал қила бошлаган янги иш ҳақи тизими орасида қандай фарқ борлигини батафсилроқ изоҳлаб берсангиз?**

— Олдинги суҳбатдошимиз ҳам худди шундай савол билан мурожаат қилган эди. Сизга қуйидагиларни айтишим мумкин. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалда мавжуд иш ҳақи тизимида иш ҳақи масаласи бевосита соғлиқни сақлаш муассасасининг ўзига хослиги, тиббий фаолиятнинг мураккаблиги, ҳажми ва сифатидан келиб чиқиб ҳал этилмаган.

Соҳада иш ҳақини такомиллаштириш тизими жорий этилгач, соғлиқни сақлаш тизимида биринчи марта тиббиёт ходимининг иш ҳақини белгилашда у ишлаётган тиббиёт муассасасининг ишидаги ўзига хослик, бу муассасада шифокор томонидан қўлланилаётган технологиянинг савияси, тиббиёт ходими бажарадиган ишнинг мураккаблик даражаси бош мезонларга айланди.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларига иш ҳақи тўлаш бўйича Такомиллаштирилган тариф сеткаси (ТТС) ишлаб чиқилди, бажараётган ишининг қуввати ва ўзига хослиги инобатга олинган ҳолда тиббиёт муассасалари тўртта гуруҳга ажратилди, ҳар бир гуруҳ учун тузатиш коэффициентлари жорий этилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига такомиллаштирилган ҳақ тўлаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига махсус Илова қабул қилинди.

*Матлуба МАМАТОВА, Тошкент:*

**— Табақалаштирилган иш ҳақи дейилганда нималар кўзда тутилади?**

— Бунда адолат тамойилига асосланган оддий ёндашишга амал қилинади. Ахир, сир эмас, қачонлардир диплом олиб, ундан кейин ўз малакасини ошириш устида ишламай қўйган шифокорлар ҳам бор. Бироқ улар бўш вақтини тиббиётдаги илғор усулларни, замонавий даволаш технологияларини ўзлаштиришга бағишлаётган, шу йўсинда, тиббиётни янги ривожланиш босқичларига кўтаришга интилаётган шифокорлар билан баравар иш ҳақи оладилар. Ҳукуматимизнинг янги қарори тиббиёт ходимларидаги ташаббускорликни, уларнинг ўз малакалари устида тинимсиз ишлаши, ўқув ва тажрибаларини узлуксиз ошириб боришга қаратилган саъй-ҳаракатларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди.

Шу ўринда, янги тариф сеткасини очиб қарайлик. Янги тариф сеткасида 11 та разряд кўзда тутилган. Ходимнинг у ёки бу разрядга ўтиши билан иш ҳақининг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи геометрик прогрессияни қисқача кўриб чиқайлик. Жумладан, биринчидан еттинчи разрядгача эришган тиббиёт ходимлари иш ҳақи — 10 фоизга, саккизинчидан ўнинчи разрядга кўтарилган тиббиёт ходимлари иш ҳақи — 11 фоизигача ошириладди. Айтиб ўтишимиз керакки, аввал бундай разряддаги шифокорлар иш ҳақи атиги 6,3 фоиз миқдорида оширилар эди. Бошқача айтганда, биринчи ва охирги 11-разряддаги шифокорлар иш ҳақи ўртасидаги фарқ аввал 2,16 баробарни ташкил этган бўлса, эндиликда бу фарқ 2,67 баробарга, яъни 25 фоизга кўтарилди.

**— Анча сезиларли қўшимча маблағ...**

— Шак-шубҳасиз. Бунинг устига тиббиёт муассасалари тўрт гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳнинг тариф ставкаларига яна тузатиб ошириладиган коэффициентлар жорий этилганлиги назарда тутиладиган бўлса, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси янада салмоқли бўлганлигини сезамиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбарлари билан семинарлар ўтказди, уларда 9 мингдан зиёд раҳбар қатнашди. Шу асnода кутилаётган яна бир саволга олдиндан жавоб бериб ўтмоқчиман. Соғлиқни сақлаш муассасалари учун қуйидагича тузатиш коэффициентлари белгиланди: амбулатория-поликлиника муассасаларини, санитария-эпидемиология назорати хизматини ўз ичига олган биринчи гуруҳ учун тегишли разряд тариф ставкасига 1,0 тузатиш коэффициенти, умумий йўналишдаги стационар тиббиёт муассасаларидан иборат бўлган иккинчи гуруҳ учун тегишли разряд тариф ставкасига 1,03 тузатиш коэффициенти; ихтисослаштирилган стационар муассасаларини ўз ичига олган учинчи гуруҳ учун — тегишли разряд тариф ставкасига 1,05 тузатиш коэффициенти; ниҳоят, шошилинч тиббий ёрдам маркази, тез тиббий ёрдам станцияларидан иборат тўртинчи гуруҳ учун — тегишли разряд тариф ставкасига 1,15 тузатиш коэффициенти белгиланди. Иш ҳақининг такомиллаштирилган тариф сеткаларига ўтиш тиббиёт ходимлари меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини 5 фоиздан 40 фоизгача оширишга имкон беради. Бунга ҳали устама ва қўшимча тўловлар кирмайди.

*Фарида ПОЛЕТАЕВА, Карантин ва ўта хавфли инфекциялар профилактикаси марказининг темир йўл бўлими раҳбари:*

**— Феруз Ғофурович, Карантин ва ўта хавфли инфекциялар профилактикаси маркази муассасаси биринчи гуруҳга киритилиб, шу йўсинда улар поликлиникаларга тенглаштирилган. Бундай муассасалар ихтисослашган муассасаларни ўз ичига олувчи 3-гуруҳга киритилиши керак эмасми?**

— Гап шундаки, сиз бошқараётган Марказнинг балансида стационарлар йўқ, сизлар соф профилактик муассаса ходимлари тоифасига кирасизлар.

**— Қарорда тиббиёт ходимларига хизмат сафарлари харажатларини ошириш ҳам кўзда тутилмаган. Ҳозирги кунда ҳам бундай харажатлар энг кам иш ҳақининг ўн фоизи миқдорида белгиланган, холос. Шунингдек, хизмат юзасидан йўлга қатнайдиган ходимлар учун солиққа тортилмайдиган йўл чипталари ажратиш масаласи ҳам эътиборни талаб қилади.**

— Қарор иш ҳақини ошириш масалаларига бағишланган. Шу ўринда битта айрича ҳолатни кўрсатиб ўтмоқчиман. Бошқа бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақига Ягона тариф сеткаси (ЯТС) жорий этилган бўлса, тиббиёт ходимлари учун Такомиллаштирилган тариф сеткаси (ТТС) татбиқ этилган. Мана шундай асосда тиббиёт ходимлари учун иш ҳақи тўловида разрядлараро фарқланишлар, тариф коэффициентлари кучайтирилган ҳамда тиббиёт муассасаларининг ўзига хослиги, шифокорларнинг ва ўрта тиббиёт ходимларининг малакасидан қатъий назар белгиланадиган базавий тариф ставкалари миқдори оширилган.

**— Жорий йилнинг 1 январида ҳаётга жорий этилган янги тариф сеткаси соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ёрдамчи ходимлар (ишчилар ҳам хизматчилар) учун ҳам тааллуқлими?**

— Соғлиқни сақлаш муассасаларининг асосий ихтисосликка тегишли бўлмаган ва даволаш, диагностика ёки профилактика фаолиятини амалга оширмайдиган ёрдамчи бўлинмалари (бўлимлари)нинг (бухгалтерия, иқтисодий бўлимлар, кадрлар бўлими, муҳандислик иншоотлари, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль парки ва бошқалар) ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси (ЯТС) асосида амалга оширилади.

*Муаззам БЕГЛИЕВА, Қашқадарё вилояти, Косон туманидан:*

**— Феруз Ғофурович, ҳукумат қарорида янги технологияларни ўзлаштираётган шифокорларни рағбатлантириш тўғрисида ҳам гап боради. Мен туманимиздаги шифохонада функционал диагностика билан шуғулланаман. Жумладан, ЭКГни бажараман. Энцефалография қиламан. Шу боисдан, мен ойлик устамалар белгиланишига умид қилсам бўладими? Менинг узлуксиз иш стажим 10 йилдан иборат.**

— Энцефалография бош мияни текшириш усулига киради. Шу сабабли бу масалани чуқурроқ кўриб чиқиш керак.

*Иброҳим АЪЗАМОВ, Навоий вилояти, Нурота туманидан:*

**— Мен тиббиёт вакили эмасман, лекин айтмоқчиманки, туманлар шифохоналаридаги аҳвол тобора яхшиланиб боряпти. Замонавий тиббиёт жиҳозлари билан уларнинг «ички дунёси» янгиланаяпти. Мени қизиқтираётгани, мана шу янги тиббий аппаратларда ишлайдиган шифокорларнинг ойлик иш ҳақи ҳам ошадими? Ахир улар нафақат тиббий билимдон одамлар, айни пайтда техник билим ва кўникмаларни ўзлаштиришган-ку?**

— Иброҳим ака, яхши савол бердингиз. Мамлакатимиз чет эллардан олаётган янги техник воситаларни қадрлаб гапираётганингиз учун сиздан миннатдормиз. Мен ўзим тез-тез вилоятларга бориб тураман. Лекин бир неча йил бурун жойлардаги маҳаллий тиббий лаборатория ходимаси кучли замонавий анализаторда атиги 3 та қон таҳлили ўтказганлигини эшитиб кайфиятим бузилган эди. Ҳолбуки, ўша аппаратда 40 дан кўпроқ йўналишдаги таҳлилларни ўтказса бўларди. Биз бу муаммони ўша ерда, ўз вақтида муҳокама қилдик.

Янги тиббий техника ва технологияларни ўзлаштириш ҳамда уларнинг ишлашини таъминлаш — ҳаётий муҳим масала. Улар одамлар саломатлигига хизмат қилишини унутмаслигимиз керак. Бир воқеа эсимда: Собиржон деган етти ёшли болани шифокорларимиз мана шу янги аппаратлар кўмагида ўлимдан олиб қолдилар. Уни Республика шошилинч тиббий ёрдам марказига оғир, беҳуш ҳолатда олиб келишган эди. Ангиографик текширув боланинг боши қаттиқ шикастланиши оқибатида бош суяги остида гематома пайдо бўлганлигини кўрсатди. Болани жарроҳлик йўли билан даволаш керак эди. Нейрохирурглар дарҳол ишга киришдилар. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бош мияда бундай мураккаб жарроҳлик ўтказишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Бугун эса шифокорларга бу мушкулотни енгишда энг замонавий аппаратлар ёрдамга келяпти. Вентрикулоскоп деган янги аппарат кўмагида нейрохирургларимиз мураккаб жарроҳликни муваффақиятли адо этдилар. Бу аппарат тўғрисида ҳатто кўпгина Ғарб мамлакатлари шифокорлари ҳам энди эшитаяптилар. Мана шу аппарат воситасида бош миядан, унинг тўқималарига заха етказилмасдан гематома олиб ташланди.

**— Бу жарроҳлик қандай якун топди?**

— Жарроҳлик атиги ярим соат давом этди. Нейрохирургларимиз шу қисқа вақтдан кейин Собиржоннинг ота-оналари олдига чиқиб, улар учун зарур бўлган: «Хатар ортда қолди, ўғилчангиз ҳаёти учун кураш омадли якунланди» деган сўзларни дадил айта олдилар.

Мен бу ҳодисани бекорга эсламадим. Шошилинч тиббий ёрдам захматкашлари ҳаётида бундай ҳодисалар сон-саноқсиз. Шифокорларимиз энг замонавий тиббий аппаратуралар билан моҳирона ишлай олсалар, кўплаб фожеаларнинг олдини ола биладилар. Президентимиз ташаббуслари билан вужудга келган шошилинч тиббий ёрдам маркази бугунги кунда давлатимиз томонидан энг юқори даражаларда молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Бу марказда бир неча ўн миллион АҚШ доллари эвазига келган мукаммал замонавий аппаратлар ўрнатилган. Албатта, ҳукуматимизнинг кейинги қарори мазкур шифо маркази ходимлари манфаатларини ҳам кўзлайди, уларнинг малакали шифокорлик меҳнати муносиб равишда моддий рағбатлантирилади. Ушбу ҳужжатда аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилган: энг янги технологиялар ва тиббий жиҳозларни моҳирона қўллаган ҳолда элга сифатли ва тезкор жарроҳлик тиббий хизматларини кўрсатаётган шифокорларнинг тариф ставкаларига 25 фоизгача устамалар қўшилади.

*Х. НИШОНОВ, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти клиникаси кадрлар бўлими ходими:*

**— Тиббиёт муассасалари раҳбарларига иш малакалари учун устамалар белгиланадими?**

— Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомга биноан, олий малака тоифаси бериладиган шифокорларга — энг кам иш ҳақи ҳажмининг 50 фоизи миқдорида; биринчи тоифали тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун энг кам иш ҳақи ҳажмининг 30 фоизи миқдорида қўшимча тўловлар белгиланади.

Шифокорликда юқори малакага интилаётган тиббиёт ходимлари сони кўпайиб бораётганлиги кишини мамнун этади, албатта. Шу ўринда айрим кўрсаткич рақамларни тилга олиб ўтайлик: ўтган йили ўз малакаларини оширган ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтларнинг сони уч баробарга кўпайди, олий малака тоифасига эришган шифокорларимиз сони 2,8 фоизга ошди. Айрим туманларда олий тоифали мутахассислар миқдори 40 — 48 фоизни ташкил этади. Бугун республикада 13.212 нафар врач ва 59.125 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ўз касб-малакаларини оширишга эришдилар.

*М. НОРОВА, Навоий вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси режалаштириш бўлими раҳбари:*

**— Туман марказий шифохоналари сил касаллиги бўлими ходимлари учун қандай тузатиш коэффициентлари белгиланган?**

— Шаҳар ва туман марказий шифохоналари умумий йўналишдаги стационар тиббиёт муассасаларини ўз ичига олувчи иккинчи гуруҳга киради. Уларнинг тегишли разряд тариф ставкаларига 1,03 миқдордаги тузатиш коэффициенти белгиланган.

Таъкидлаб айтиб ўтишим керакки, республикамизда хавфли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият етарли даражада кафолатланган, ҳолбуки, қўшни давлатларда гоҳи-гоҳида турли-туман хавфли касалликларнинг манбалари пайдо бўлиб турибди. Илгарилари биз ҳам фақат пайдо бўлган хавфли касалликларни даволаш йўлидан борганмиз, энди бошқача йўлдан бораяпмиз — касаллик тарқалишининг олдини олиш, профилактика чора-тадбирларини кўриш бугунги долзарб вазифаларимиздандир. Масалан, сил касаллигини ташхислаш ва назоратга олиш стратегияси амалга оширила бошлагандан кейин бу касалликнинг оғир шакллари билан оғриганлар миқдори республикада 24 фоизга камайди. Бу ўтган йилги миқдор якунларидан бири. Болаларнинг 98 фоизи эмланганлиги сабабли гепатит «В» касаллиги 2000 йилдагига нисбатан 2,6 мартага, 2004 йилдагига нисбатан эса 31,2 фоизга камайди. Бизга Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан республикамиз полиомиелитнинг ёввойи хуружларидан дахлсиз қолаётганлигини тасдиқловчи сертификат берилганлиги қувонарлидир. Юқумли касалликлар тарқалишига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар сабабли қўшни давлатларда тарқалган чечак касаллиги, бошқа хатарли касалликлар инфекцияларининг йўли тўсилди.

*С. РУСТАМОВ, шифокор, биринчи тоифали соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, Қарши шаҳридан:*

**— Ҳозирги кунда вилоятлардан тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқиётган ёшлар, айниқса, қизлар бироз камайгандай. Бундай вазиятда, яқин ўн-беш йил ичида қишлоқ жойларда ва ҳатто вилоят марказларида умумий амалиёт шифокорлари, айниқса, жарроҳлик, онкология, кардиология ва бошқа шу сингари аниқ йўналишларга ихтисослашган шифокорлар сони камайиб кетмайдими? Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада узоқ муддатли режаларни кўряптими?**

— Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Бухоро тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганчда, Фарғонада филиаллари, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукусдаги филиали қайта ташкил этилган ва қизғин фаолият олиб бормоқда. Улар ҳар йили 5 та йўналиш бўйича 2500 нафардан ортиқ олий маълумотли шифокорларни ҳаётга етказиб беряпти. Бу шифокорларнинг 60 фоизи қизлардир. Шифокор мутахассис ходимлар етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида жойларда кадрларни қайта тарбиялашнинг фаол ишлайдиган тизими жорий этилган, мутахассислар номенклатураси қайта кўриб чиқилмоқда. 2006 йилдан бошлаб давлат грантлари бўйича тиббиёт олий таълим муассасаларида таълим олаётган битирувчи ёшлар мажбурий 3 йил ишлаш шарти билан режали равишда жойларга ишга жўнатилмоқда. Жойларда аниқ тиббий йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг моддий кўмаги воситасида мақсадли тайёрлов машғулотлари олиб борилмоқда. Магистратураларда ўқиётган талабаларнинг 70 фоиздан кўпроғи вилоятлардан келган ёшлар бўлиб, улар таълим тугаши билан жойларда ишлаш учун сафарбар этилади.

*Оксана ЕЛЕЦКАЯ, акушер-гинеколог, Андижон шаҳридан:*

**— Мен Киев тиббиёт академиясида малака ошириб келдим.**

— Бу хабар мени қувонтирди. Киев академияси бизнинг азалий ҳамкоримиз. Ундан ташқари, Харьков тиббиёт академиясида ҳам 177 нафар мутахассисимиз малака оширмоқда. Улар — акушер-гинекологлар, педиатрлар, болалар жарроҳлиги мутахассислари, анестезиолог-реаниматологлар, неонатологлар ва травматологлар. Айтмоқчиманки, бу мутахассислар фақат вилоятларнинг марказларидагина яшамайдилар, улар узоқ туманлардаги шифохоналарнинг ҳам вакилларидирлар. Харьков академияси раҳбарлари юртдошларимиздан мамнун бўлиб гапиряптилар. Малака оширишга борган мутахассисларимиз фақат кафедраларда ўқиш билан чекланиб қолмасдан, клиникаларда ҳам ишламоқдалар, шифохоналарда навбатчилик қилмоқдалар, жарроҳлик амалиётларида қатнашмоқдалар.

**— Чиндан ҳам, бошқа даражадаги даволаш амалиётларига назар ташлаш ва билмаганни ўрганиш жуда фойдалидир. Шахсан мен ўзим малака ошириш пайтида анчамунча тажриба оттирдим. Шу билан бирга, ўзимизда мавжуд имкониятларни ҳам унутмаслигимиз керак. Масалан, Андижон туғруқхоналаридаги туғруққа тайёрлаш бўлимларида соғлиқни қайта тиклашга йўналтирилган даволаш чоралари кўрилаётганлиги аёллар соғлиғини мустаҳкамлашга анча ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шуни айтишим керакки, Андижондаги туғруқхоналарда иш шундай ташкил этилаяптики, туғруқ залида бир кечаю-кундузда 1 та онанинг кўзи ёриши учун тўлиқ шароит яратилган. Шу йўсинда бу шифохоналар ичида инфекция тарқалишининг олди олинмоқда. Бундай тажриба эса Украинада йўқ.**

— Бу жуда яхши. Республикамизда оналар ва болаларга ғамхўрлик давлат миқёсидаги вазифага айланганлиги сабабли ҳам бу борада катта ютуқларга эришмоқдамиз.

**— Мен ўзим бунга гувоҳман. Оналар ва болалар соғлиғига ватанимизда ҳақиқатан катта эътибор кўрсатилмоқда. Тиббиётнинг бу йўналиши техникавий жиҳатдан ҳам тобора такомиллаштирилган шароитларга эга бўлмоқда.**

— Бу ҳақиқат рақамларда ҳам кўринади: 2005 йилда оналар ўлими аввалги йилга нисбатан 9,4 фоизга камайди. Чақалоқлар ўлими эса мустақиллик йилларида ҳар 1000 та чақалоқ ҳисобига 38,1 тадан 14,7 тага туширилди. Бу бутун минтақамиздаги энг яхши кўрсаткичдир. ЮНИСЕФнинг статистик бюллетенларида ҳам Ўзбекистон оналар ўлимининг олдини олиш бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга эканлиги қайд этилган. Яъни бир вақтлар 100 минг ҳисобидан оналар ўлими 65,3 ҳолда кузатилган бўлса, бугун бу рақам 30 тага тушди. Ҳолбуки, бу йўналишдаги кўрсаткичлар Қозоғистонда 50 тага, Қирғизистонда 43,8 тага, Тожикистонда 45,5 тага тўғри келади.

Яна шундай далилни ҳам эслаб ўтмоқчиман: ўтган йилдан бошлаб Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда мамлакатимизда «Аёллар ва янги авлод соғлиғини мустаҳкамлаш» деб номланган лойиҳани амалга оширяпмиз. Унга кўра, кейинги 4 йил мобайнида туғруқхоналар хизмати тизими ва қон қуйиш станцияларига яна 40 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги замонавий жиҳозлар ўрнатилади.

**— Сизга ҳомиладорлик кечишидаги оғир шаклларни даволаш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, туғилаётган чақалоқлар соғлиғини кафолатлаш бўйича халқаро амалиётда олиб борилаётган ишлар тўғрисида берган маълумотларингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.**

— Сизга эса соғлиқ ва муваффақиятлар тилайман.

*Зулфия РЎЗИЕВА, туман марказий шифохонаси иқтисодчиси, Хоразм вилоятидан:*

**— Мен Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисида маълумот беришингизни сўрамоқчи эдим.**

— Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси давлат бюджетидан тиббиёт муассасалари учун ажратиладиган маблағнинг умумий ҳажмидан 5 фоизигача ажратилиши; ҳомийлик ва донорлик ташкилотлари, шунингдек, тўловли даволаш ва бошқа хизматлардан тушадиган маблағ; тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун кўзда тутилган бюджет маблағларидан тежалган воситалар ҳисобига шакллантирилади.

**— Жамғарма маблағлари нималарга сарфланади?**

— Жамғарма маблағларидан тиббиёт муассасалари ҳузурида тегишли тиббиёт муассасаси раҳбари бошчилигида ва касаба уюшмаси ташкилоти вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссия қарори асосида тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва муассасанинг моддий-техника базасини ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва таъмирлаш мақсадларида фойдаланилади.

*Л. ИГНАТЬЕВА, ҳарбий госпитал иқтисодчиси:*

**— Зарарли иш шароитида ишлаганлик учун белгиланадиган устамалар ўриндошлик асосида ишлаётганларга ҳам татбиқ этиладими?**

— Зарарли иш шароитида ишлаганлик учун белгиланадиган устамалар асосий ва ўриндошлик асосида бажариладиган ишга кўра тақсимлаб ажратилади.

*М. ЖАББОРОВА, Собир Раҳимов тумани Соғлиқни сақлаш бўлими иқтисодчиси:*

**— Участка шифокорининг иш стажлари қандай ҳисобланади?**

— Бундай ҳолатда устама биринчи уч йил ва кейинги ҳар икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 40 фоиз.

*Т. БОЙМУРОДОВ, Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:*

**— Қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари ўрта тиббиёт ходимлари 2005 йилнинг 1 октябридан 1,35 баробар ҳажмда устама олиб келишган эдилар. Эндиликда ойлик маош миқдори камаймайдими?**

— 2006 йил 1 январидан қишлоқ жойлардаги бундай тоифали тиббиёт ходимлари учун, агар уларнинг узлуксиз иш стажи 5 йилдан 20 йилгача ва ундан ортиқ муддатли бўлса, тариф ставкасининг 5 фоиздан 20 фоизигача устама белгиланади. Лавозим ойлиги иш ҳақларининг миқдори бундан олдинги даражадан кам бўлмаслиги лозим.

*Г, АБДУЛЛАЕВА, Андижон вилоятининг Хонобод шаҳарчасидаги шифохона кадрлар бўлими ходими:*

**— Агар шифокор ишдан бўшаса, унинг узлуксиз иш стажи сақланиб қоладими?**

— Унинг Меҳнат дафтарчасида «Ўз хоҳишига биноан ишдан бўшатилди» деган ёзув мавжуд бўлса, ишдан бўшатилгандан кейин бир ой муддат ўтмасдан яна шифокорлик вазифасига ишга қабул қилинса, узлуксиз иш стажи сақланади.

**— Агар шифокор вақтинчалик ногиронликка кетиб, кейин яна ишга қайтса, иш стажининг узлуксизлиги сақланадими?**

— Бундай ҳолда узлуксиз иш стажи сақланади.

*Ф. ҚОСИМОВ, Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси иқтисодчиси:*

**— Шошилинч тиббий ёрдам хизмати филиали тиббиёт ходимлари узлуксиз иш стажи давомийлиги учун устамалар қай тарзда белгиланади?**

— Шошилинч тиббий ёрдам хизмати филиали тиббий ходимлари узлуксиз иш стажининг давомийлиги учун уларга биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги 2 йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори — 30 фоиз.

Умуман олганда, ҳисоб-китоблар шундан далолат бермоқдаки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимига ўтилгач, умуман соғлиқни сақлаш тизимидаги иш ҳақи тўловлари ҳажми ўртача 1,3 марта ошади.

*Н. МАТКАРИМОВ, жарроҳ, Урганчдан:*

**— Сиздан малака оширишимда, жумладан, очиқ юракда жарроҳлик ўтказиш мутахассислигини эгаллашимда ёрдам кўрсатишингизни сўрамоқчийдим.**

— Марҳамат, бу йўналишда сиз Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган жарроҳлик марказида малака оширишингиз мумкин. Ушбу марказ республикамиздаги минглаб мутахассислар учун илмий ва амалий мактаб бўлиб келмоқда. Кадрлар тайёрлаш — тиббиётдаги стратегик йўналиш бўлиб, у XXI аср талабларига жавоб бериши керак. Шифокорларнинг юксак малакага эришиши — олиб борилаётган ислоҳотларнинг таркибий бир қисмидир. Ишонаманки, сўнгги йилларда Ўзбекистон аҳолиси умрининг узайганлигида (ватандошларимиз умрининг узоқлиги ўртача 72 ёшни ташкил этмоқда) мана шундай юксак малакали шифокорларнинг муносиб ҳиссалари бор. Ёки республикамизда бугунги кунда инсон ўлими даражаси 1000 киши ҳисобига атиги 5,3 кишини ташкил этаётганлиги ҳам шифокорларимизнинг меҳнатлари туфайлидир. Бу йўналишдаги кўрсаткич Шарқий Европадаги кўпгина давлатларга нисбатан бизда 2 баробар камлигини, умуман бутун Европа қитъасига қиёслаганимизда эса, 3 марта камлигини ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Жарроҳлик марказида тиббиёт фанини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилаётган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу даргоҳда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг тажрибаси мунтазам ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжуманлар, семинарлар воситасида республикамиздаги бошқа клиникаларда ҳам оммалаштирилмоқда. Уюштирилаётган анжуманлар ва семинарларимизда эса МДҲ давлатларидан йирик мутахассислар, ватанимиз тиббиёт фани ва амалиётининг йирик намояндалари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Давлатимиз ўзбекистонликлар ўз саломатликларини яхшилаш йўлида ҳеч бир муаммога дуч келмаслиги, тўрт мучаси соғ бўлиши, янги авлодлар ҳар жиҳатдан соғлом, дуркун бўлиб вояга етишлари учун, пировардида, мамлакат уларнинг тимсолида янада кучли-қудратли бўлиши учун кеча-кундуз ғамхўрлик қилмоқда. Бунда тиббиёт ходимларининг улуши сезиларлидир. Шу боисдан давлатимиз тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Бизнинг билим ва малакамиз, шифокорлик тажрибаларимизни тинимсиз ошириб бориш устида ишлашимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда хал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Тиббиёт ходимлари олдига қўйилган бундай улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оламиз. Сиз бу тўғрида қандай фикрдасиз?

**— Зиммамиздаги вазифаларни албатта уддалаймиз. Бу бизнинг бурчимиз.**

— Мен ҳам шундай фикрдаман.

**М. САФАРОВ,**
**Л. КУЧЕРЕНКО.**

***Ҳурматли муштарий! Навбатдаги «Бевосита мулоқот» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туробжон ЖЎРАЕВ билан ўтказилади.***

***Россиянинг “Трансаэро” авиакомпанияси ўзбекистонликларга навбатдаги туҳфасини тақдим этди. 2005 йил 27 декабрь куни афсонавий «Боинг — 747» (уни “Жамбо” ҳам дейишади) самолётида Москва — Тошкент рейси амалга оширилди. Мамлакат пойтахти аэропорти авиация техникасининг мўъжизаси бўлган «Боинг-747» ҳаво лайнерини илк бор қабул қилди. Ўзбекистонда «Боинг-747» самолётининг пайдо бўлиши Тошкент аэропорти ходимларига нисбатан юксак ишончдан далолатдир.***

# «ТРАНСАЭРО»: ЮТУҚЛАР САРИ ПАРВОЗ

Ўтган йилнинг сўнгги кунларида “Тошкент” аэропортида чинакам байрам вазияти хукм сурди. Ҳатто ноқулай об-ҳаво шароити ҳам Тошкент — Москва рейси йўловчиларининг кайфиятини тушира олмади. Ишлаб турган йўловчи самолётларнинг энг каттаси ҳисобланувчи «Боинг — 747» лайнеридаги сеҳрли парвоз нашидасидан бир йўла 450 йўловчи баҳраманд бўлди. “Трансаэро” Россияда энг узоқ масофаларга учадиган «Боинг — 747» самолётидан фойдаланувчи биринчи ва ягона авиакомпаниядир. Унинг флоти энг кўп ўриндиқларга эга. “Трансаэро” компанияси томонидан икки палубали баҳайбат ҳаво лайнеридан фойдаланиш Россиянинг фуқаро авиацияси учун улкан қадамдир. Ўзбекистонга доимий “Жамбо” рейсининг жорий этилиши тижорат соҳасида дадил қадам деб баҳолаш мумкин. Аввало, компания бу янгиликни Россия — Ўзбекистон дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланишининг амалий омили деб билади. Ушбу муносабатлар доирасида республикада бир қатор йирик қўшма корхоналар очилди. Россия билан Ўзбекистон ўртасида амалий алоқаларнинг мустаҳкамланиши иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади ва шу муносабат билан мутахассис ва технологларнинг ўзаро амалий сафарлари сезиларли даражада кўпайди.

“Трансаэро” аҳоли барча қатламларининг қурби келадиган авиакомпания бўлишга интилиб келган. У йўловчилар учун биринчилардан бўлиб тижорат-маркетинг дастурини амалга оширди. Бир неча йилдирки, оилалар, пенсионерлар ва ёшлар алоҳида белгиланган тарифлардан бажонидил фойдаланиб келмоқдалар. Шериклик чегирмалари ва тежамли бизнес-класс нархлари жорий этилгани боис амалий сафарлар анча арзонлашди. Москвадан транзит йўналишлари бўйича авиачипталар, шунингдек, ютуқли ПР-акция чипталарининг сотилиши йўловчилар ўртасида кенг оммалашди.

Сиз “Трансаэро” авиакомпаниясининг доимий йўловчиси бўлсангиз, айтиш мумкинки, ажойиб ва аҳил оиланинг аъзосига айланасиз. Бу ерда туғилган кунингизни унутишмайди, бизнесдаги ютуғингиздан хабардор бўлишади, меҳнат таътили ва амалий сафарларингизни режалаштиришга ёрдам беришади, болаларингизга кўмаклашишади ва уларнинг ютуқларидан биргаликда қувонишади. Агар болаларингиз билан сафарга чиқсангиз олдиндан иссиқ овқатга буюртма бериш мумкин. Шунда болаларингиз инжиқлик қилишмайди, шунингдек, болалар учун антиқа совғалар ҳам назарда тутилган. Қисқаси, болангиз ўзини бахтиёр ҳис этади ва у манзилга қандай етганлигини сезмай ҳам қолади.

Сервис хизматини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. У бошқа авиакомпанияларникидан кўра қулайлиги билан фарқ қилади. Чунончи, Павелецкий вокзалигача электричкада бепул олиб келиб қўйилади, авиакомпаниянинг барча учиш пунктларида меҳмонхоналарга имтиёзли нархларда жойлаштирилади. Ушбу ахборот Ўзбекистоннинг барча туроператорлари учун муҳим бўлиши керак, албатта.

Бу йилги қиш мавсумининг ўзига хос жиҳати шундаки, Россиянинг бир йўла икки шаҳридан — Москва ҳамда Санкт-Петербургдан мунтазам халқаро рейслар бўлади. Санкт-Петербург-Бангкок рейси компаниянинг жадвалидан илк бор ўрин олади. Екатеринбургдан Таиландга ва ҳатто, Мисрга ҳам рейслар амалга оширилади.

Қиш ойларида экзотик дам олишни ёқтирувчилар учун Жануби-Шарқий Осиёга учиш бўйича янги дастур билан танишиш мароқли, албатта. Бангкок, Утапао, Куала-Лумпур, Сингапур, Денпасар учиш пунктлари рўйхатидан жой олган.

Бу йилги қишда бизнес-класс йўловчиларини ёқимли янгиликлар кутмоқда. «Боинг — 747» бизнес-классининг салонлари янги ўриндиқлар билан қайта жиҳозланган. Уларнинг комфорт андозалари биринчи класс даражасига яқинлаштирилган. Буларнинг ҳаммаси “Трансаэро” компаниясининг Лондон, Тел-Авив, Қозоғистон, Украина, Ўзбекистон, Россиянинг Сибирь ҳамда Узоқ Шарқидаги шаҳарлари каби муҳим амалий йўналишларига бўладиган сафарларни янада қизиқарли қилишга ёрдам беради.

Авиакомпания янги йилни янги маршрутларни очиш билан нишонлади. Февраль ойининг бошида янги Москва — Рио-де-Жанейро рейсини очиш режалаштирилмоқда. Москва — Гонгконг — Сидней рейсини очишга тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Ёзда Австралияга мунтазам рейсларни йўлга қўйиш мўлжалланяпти.

Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис авиачипталарни Интернет орқали сотиш ва банд қилиш тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ компания ушбу ўсиш суръатларидан қаноат ҳосил қилаётир. Эндиликда электрон билетларни жорий этишга киришилди.

“Трансаэро” авиакомпанияси ўтган йили бизнинг ватандошларимиз бўлган кўплаб Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Москвада ўтказилган Ғалаба парадида иштирок этиш имконини яратиб берди. Авиакомпания бу йил ҳам уруш фахрийлари, қамалчилар ва концлагер тутқунларини ташиш бўйича махсус дастурни давом эттиради. Яна бир ёқимли янгилик — кўпсонли мактаб ўқувчилари ва талабалар гуруҳлари “Трансаэро” авиакомпанияси ҳамда маданий алоқалар бўйича «Росзарубежцентр» шарофати билан Москва ҳамда Россиянинг бошқа шаҳарларига бориш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, улар россиялик тенгқурлари билан ўз таассуротларини ўртоқлашадилар.

Таъкидлаш жоизки, “Трансаэро” компанияси спортчиларга ҳам ёрдам бериб келаётир. Ота-онасини йўқотган ва болаликдан ногиронлар “Трансаэро” ёрдами билан чет эл сафарида бўлиб қайтдилар. Хайр-саховат кўрсатиш, айтиш мумкинки, компанияга хос белгидир. Ўзбекистоннинг кўплаб спорт жамоалари мусобақаларга боришда нархнинг оммабоплиги ва чегирмалар тизимининг мосланувчанлиги сабабли айнан “Трансаэро”ни танлашади. Компания орттирилган бой тажрибаларни ҳисобга олиб, Италияда бўладиган Қишки Олимпия ўйинлари иштирокчиларини ташишда қатнашишни режалаштирмоқда.

“Трансаэро”нинг бутун иш фаолияти учиш хавфсизлиги ва мунтазамлилигини таъминлайдиган, бошқача қилиб айтганда, “Бизнес ва дам олиш авиакомпанияси” бўлиб қолишга қаратилган.

**Инна АККЕРМАНЦЕВА.** t


MTC GSM
UZDUNROBITA first cellular

Ўзбекистондаги энг кенг GSM тармоғига уланинг!

Абонент тўлови - $0,11 (кунига)
Тармоқ ичида чиқувчи алоқа - $0,03 (1 дақиқа учун)
Тармоқ ичида кирувчи алоқа - БЕПУЛ!!!
Ўзбекистон бўйича алоқа - $0,06 (1 дақиқа учун)
Уланишда олдиндан тўлов - $8



«Компания»га аъзо бўлинг!
“МТС - КОМПАНИЯ”

Абонент тўлови - $30 (ойига)
Барча кирувчи қўнғироқлар - БЕПУЛ!!!
Ўзбекистон бўйича чиқувчи алоқа - $0,06 (1 дақиқа учун)
Тармоқ ичида чиқувчи алоқа - $0,03 (1 дақиқа учун)
Уланишда олдиндан тўлов - $8



Доимий тараққиётга қўшилинг!
“МТС - OPEN”

Тўловлар сўмда ЎзРМБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган


## Спорт



# Жаҳон чемпионати Тошкентда ўтади

Мамлакатимизда спортнинг кикбоксинг тури ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда 50 минг нафардан ортиқ ёшларимиз ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Юртимизда кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларини ўтказиш яхши анъана тусини олган. Ўтган йилнинг май ойида пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича ёшлар ва катталар ўртасидаги Осиё очиқ чемпионатини шулар жумласига киритиш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, зўр муваффақият билан ташкиллаштирилган мазкур нуфузли тадбирда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Чемпионат Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси, Миллий Олимпия қўмитаси ва Осиё Олимпия кенгаши иштирокида уюштирилди. Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан сўнг иккинчи ўринда турувчи бу мусобақада тўрт қитъанинг 20 га яқин мамлакатидан 500 нафардан ортиқ спортчи ўн бир вазн тоифасида баҳс юритди.

Албатта, жаҳон ва қитъа чемпионатларини ўзида ўтказишни истовчи давлатлар дунёда кўплаб топилади. Лекин бунинг учун ўша мамлакатда шароит, зарур спорт мажмуалари, юксак тайёргарликка эга бўлган спортчилари бўлиши керак. Мисол учун, Осиё очиқ чемпионатини ўтказишга Ливан, Иордания, Покистон ва Қозоғистон давлатлари даъвогарлик қилишганди. Ташкилотчиларнинг эса бу борада Ўзбекистонни муносиб деб топишгани бизга ғурур бағишлади. Яна бир муҳим жиҳати, юртимиздаги имкониятлар, спортчиларимизнинг эришаётган муваффақиятлари сабаб Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси (WFK World Federation of Kick-boxing) қароргоҳи Тошкентга кўчирилди. Ушбу федарацияга бош котиб этиб Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев сайланди. Албатта, бундай нуфузли федерациянинг республикамиз ҳудудига кўчирилиши қувонарли ҳол ва эришилган ютуқларимизнинг яна бир эътирофидир.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Эронда ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам вакилларимиз умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Бу ғалабага Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятлари ёшлари муносиб улуш қўшдилар. Шуҳрат Мунавваров, Шерзод Қодиров, Зарифбек Тўрабоев, Ботир Буваназаров, Шерзод Жўраев, Мирзоҳид Отабоев, Бахтиёр Усмоновлар ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритдилар. Профессионал кикбоксингчилар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатларида ҳам вакилларимиз қўлга киритган ютуқлар салмоқли бўлди. Аҳмад Алимбеков (Россия), Шавкат Ўроқов (Кипр)лар ўтган йили ўтказилган жаҳон чемпионатларида ўз вазн тоифаларида чемпионликни қўлга киритдилар.

Кикбоксинг федерацияси, шунингдек, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ҳам мусобақалар ўтказиб туришни мунтазам йўлга қўйган. Ўтган йил пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мусобақада вилоятлардаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 100 нафардан зиёд иқтидорли ёшлари қатнашишди.

— Жорий йил кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатига пойтахтимиз мезбонлик қилади, — дейди Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси бош котиби, Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев. — Жаҳоннинг 30 га яқин мамлакатларидан спортчилар қатнашадиган мазкур мусобақада ҳам юртдошларимиз ўзларига билдирилаётган ишончни албатта оқлашларига ишончимиз комил.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

## ҲАКАМЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) 2006 йилги мавсумда ўз шафелигида ўтказиладиган мусобақалардаги футбол учрашувларини бошқаришга таклиф этиладиган олий тоифали ҳакамлар рўйхатини эълон қилди.

Ўзбекистон футбол федерациясидан маълум қилишларича, мазкур рўйхатдан ўзбекистонлик ҳакамлардан икки нафари — ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳамда Рустам Саидов жой олган. Жорий йилнинг 26-28 январь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ОФКнинг 2006 йилдаги мусобақаларини бошқарадиган олий тоифали ҳакамлар учун махсус ўқув курслари ташкил этилади.

**(ЎзА).**

## 64 катак ичида

### Ақл бовар қилмайди, аммо...



Биринчи ва иккинчи диаграммаларни кўриб, ҳайратга тушгандирсиз? Ҳа, 5 та от кишнаб туриб, қора шоҳни мот қилди. Оқлар биринчи юришда ташаббусни қўлга олиб, саккизинчи юришда қораларни таслим бўлишга мажбур этди. Муаллиф Корольков этюдни 1937 йилда ижод қилган. Бу этюд шахмат дунёсининг олтин хазинасидан жой олган.

Юриш сиздан ҳурматли шахмат мухлислари! Агарда вазиятни иккинчи диаграммадаги ҳолатга олиб келсангиз, шахмат санъати ажойиб спектакл эканлигига яна бир карра амин бўласиз.



### «Олтин хазина»миз бисотидан

Бу этюдни Б. Сидоров 1982 йили ижод этган ва 1983 йилда халқаро композиция ва этюдлар конкурсида ғолиб бўлган. Ҳа, таажжубланманг, оқларнинг яккаю-ягона шоҳи қораларнинг бутун бир армиясига бардош бериб, дурангга эришади. Юриш оқ шоҳдан.



### Пиёда билан қўшинга қарши

Бу этюдни Бенко 1922 йили яратган. Оқ шоҳ битта пиёдаси билан 16-юришга келганда ғалабага эришади. Бир пиёда катта бир қўшинни тор-мор этади.



Ҳақиқатда ҳам, ақл бовар қилмайдиган юришлардир бу!

**Анвар ИНОҚОВ, шахмат бўйича спорт усталигига номзод.**


Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ, АРЧА КЎЧАТЛАРИНИ ЭКИБ ҲОВЛИНГИЗНИ БЕЗАМОҚЧИМИСИЗ?
МАРҲАМАТ, АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕКЛАНМАГАН МИКДОРДА СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:
1. СОСНА — 40 000 ДОНА
2. МОЖЖЕВЕЛЬНИК — 35 000 ДОНА
3. КИПАРИС — 1 500 ДОНА
4. ТУЙЯ — 10 000 ДОНА.
Тўлов шакли сиз хоҳлагандай.
Манзил: Термиз шаҳри, Пахтакор кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: (8-376-22) 4-95-87, 4-80-26, 3-65-34, 7-24-15.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР
ROSAVA WESTA ИСТОК
Россия, Курск шаҳри
Украина, Днепропетровск
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГ


*Хоразм вилояти, Хонқа туманида рўйхатдан ўтган «Хонқа-гуруч» масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Код ОКПО 15687770.*

*«Хонқа-гуруч» масъулияти чекланган жамият томонидан кредиторларнинг талабномалари 2 ой муддатда Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Хонқа кўчаси, 35-уйда қабул қилинади.*

*Тел/факс — 83623994500*


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Алиқул Бобоқуловга падари бузруквори

**ҒАФФОР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари француз филологияси факультетининг Жаҳон адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Эльвира Муротовага турмуш ўртоғи

**Инвир МУРОТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — . Топширилди — . 12345